

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, «САХОВАТ» ВА «МУРУВВАТ» ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

в) **Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

одам савдосидан жабрланганларни қўлай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни **ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илгор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татиқ этиш;**

одам савдосидан жабрланганларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб **касб-хунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;**

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика** ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни **ижтимоий реабилитация** қилишида кўмаклашиш.

5. Кўйидагилар:

тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифатини ошириш, уларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимига "аутсорсинг" асосида хусусий секторни жалб қилиш, тизим ходимларининг малака ва касб маҳоратини ошириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириши назарда тутувчи **Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, **35 та муассасада 428 миллиард сўмлик** қурилиш-реконструкция ишларини олиб бориш ва уларни **40 миллиард сўмлик жиҳозлар ва техника билан таъминлаш**, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишни назарда тутувчи **Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари **"йўл хариталари"**да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли **қўраштириш учун шахсан масъул эканликлари бўйича бўлиши** ўтилсин.

6. **2021 йил 1 апрелдан бошлаб:**

а) "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг раҳбар ва шифокорлар ойлик лавозим маоши **1,5 баробарга;**

ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ойлик лавозим маоши **2 баробарга;**

бошқа барча ходимлар ойлик лавозим маоши **1,2 баробарга;**

б) Агентлик марказий аппарати ходимларининг ойлик лавозим маошини **1,5 баробарга**, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий комиссиялари ходимлари ойлик лавозим маоши **1,2 баробарга;**

в) "Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун каммида тўланадиган ойлик пенсия миқдори 10 фоиздан **20 фоизгача** оширилсин.

7. Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

а) **уч ой мuddатда** "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, Агентлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати, унинг ҳудудий комиссиялари ходимларининг ойлик лавозим маоши миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш учун "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин ҳамда 2022 йил Давлат бюджетини шакллантиришда мазкур харажатларни инобатга олсин;

б) "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг озиқ-овқат, шахсий гигиена ва дори воситалари таъминоти учун ажратиладиган маблағ **миддорини 2022 — 2024 йилларда босқичма-босқич ошириш**, шунингдек, 2021 йилда маҳаллий

бюджетдан қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни **шахсий гигиена воситалари билан тўлиқ таъминлашни молиялаштириш** чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"да янгидан қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилган объектларни 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўрсин.

Бунда тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш бўйича тайёрланадиган **лойиха-смета ҳужжатларида** муассаса фаолияти учун зарур бўлган **тиббий, физиотерапия ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш назарда тутилсин.**

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ўн кун мuddатда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тегишли ҳоқим ва унинг ўринбосарларини "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида бириктирсин;

бир ой мuddатда Агентлик билан биргаликда ҳар бир тиббий-ижтимоий муассасадаги шароитни ўрганиб, қўшимча бино қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун кўтариш платформалари билан таъминлаш, кутубхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фондини бойитиш юзасидан ҳудудий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

уч ой мuddатда тегишли бинолар (хоналар), мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситаларини ажратиш йўли билан Агентлик барча бўлинмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлашни таъминласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 майга** қадар "Саховат" интернат уйлари ҳамда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларнинг ҳар бирини **саёхатга мўлжалланган автобуслар билан таъминлаш** учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда туруператорлар ва турагентлар билан шартнома тузган ҳолда мунтазам равишда "Саховат" интернат уйларидаги кексаларнинг **республикамиздаги диққатга сазовор жойлар ва зибратгоҳларга таширларини уюштирсин;**

тиббий-ижтимоий муассасаларни 2021 — 2024 йилларда босқичма-босқич зарур тиббий ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратилиши таъминласин;

даврий равишда уйда яшовчи, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар ва фахрийлари ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга ижтимоий-маърифий хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида:

Агентлик ва Молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой мuddатда** замонавий **физиотерапия бўлими ташкил этилишини** ҳамда муассасада мавжуд **тиббий ускуна ва жиҳозлар янгилашини;**

2021-2022 йилларда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун янги бино қурилишини ва ушбу муассасага туташ ҳудудда Нурунийлар истироҳат боғи** ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **икки ой мuddатда** "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари ҳудудларида манзарали ва мевали дарахтлар экилиши, кўкаламзорлаштирилиши ва ободонлаштирилишини таъминласин.

12. Агентлик **уч ой мuddатда:**

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функциялар (таб тейёрлаш, кир ювиш, тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация таъминоти ва бошқалар) "аутсорсинг" хизмати орқали амалга оширилишини жорий этиш тартибин тасдиқласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартибин тасдиқласин, бунда:

"Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида шартнома асосида пуллик тиббий-ижтимоий хизматнинг кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) ташкил этилиши;

тиббий-ижтимоий муассасаларда кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг **2 фоизи** миқдоридидаги маблағларни Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварақасига йўналтириш тартиби назарда тутилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда ишловчи врач ва ўрта тиббиёт ходимларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малакасини оширишни таъминласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтказсин;

в) Агентлик билан биргаликда **бир ой мuddатда** тиббий реабилитация тизимини тубдан яхшилаш ҳамда "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказиш ва соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

Бунда "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлик кўрсаткичларини алоҳида дастур асосида мунтазам равишда баҳолаб бориш, уларни ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бириктириш, бепул даволаш ва соғломлаштиришни йўлга қўйиш назарда тутилсин;

г) Агентлик билан биргаликда **икки ой мuddатда** "Мурувват" интернат уйларида яшовчи беморлар учун олинадиган дори воситаларини қайта қўриб чиқиб, уларнинг рўйхатини тасдиқласин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 — 2024 йилларда туман (шаҳар) **тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими**ларида **ишловчи ижтимоий ходимларнинг олий маълумот олиши учун** республика олий таълим муассасаларида **мақсадли квоталар** ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Агентликнинг **2021 йил май ойидан** бошлаб "Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни **ҳар йили бир марта** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштиришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Агентлик Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда:

бир ой мuddатда "Саховат" интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни 2021 йилда санаторийларда соғломлаштириш жадвалини;

ҳар йили 1 октябрга қадар кейинги йил учун "Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийларда соғломлаштириш жадвалини тасдиқласин.

17. Тиббий-ижтимоий муассасаларга тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари 3-иловага мувофиқ бириктирилсин.

18. Агентлик **икки ой мuddатда:**

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари 10, 11-синф ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасаларининг талабалари ва ёшларнинг бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда **"икки авлод"** учрашувларини ташкил этиш, улар билан турли **маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш**, таълим муассасаларида ўтказиладиган **"кексалар маърифати"** соатига таклиф қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда **ҳудудий тиббиёт муассасалари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари шифокорлари томонидан кўриқлар ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш;**

Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси билан биргаликда тиббий-ижтимоий муассасаларда **концерт дастурлари, маънавий-маърифий, маданий тадбирларнинг йил давомида** ўтказиш борилиши юзасидан режа-жадвални тасдиқласин ва ижросини ташкил этсин.

19. **2021 йил 1 апрелдан бошлаб** Агентлик тизимидаги "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида яшовчиларнинг сонидан қатъи назар, 1 нафардан кутубхоначи штат бирлиги жорий этилсин.

20. **Агентлик:**

а) Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари кутубхоналарини

компьютер техникаси ва бошқа турдаги оргтехника, мебель, шу жумладан махсус мебель ҳамда тегишли кутубхона ускуналари билан **жиҳозлаш бўйича талабларни тасдиқласин.**

Бунда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш учун ўқув залларини махсус компьютер жиҳозлари ва бошқа қўшимча воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари кутубхона фондларини миллий ва жажон адабиётининг **100 та энг яхши асарлари** (бестселлерлари), даврий нашрлар (газета ва журналлар) билан таъминласин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, "Саховат" интернат уйлари кутубхоналарининг Интернет жажон ахборот тармоғига улашини** ва улар учун **Миллий кутубхона электрон ресурсларидан фойдаланиш** имкониятини таъминласин.

Белгилансинки, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари кутубхона фондларини тўлдиритиш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари ва қўнуңчилик ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

21. Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **тиббий-ижтимоий муассасаларнинг йиллик иш режасини** тасдиқласин ва ижроси мониторингини олиб бурсин.

22. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жажон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

23. Ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан:

Агентлик директори зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларни ривожлантириш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш таъминлашини учун;

Соғлиқни сақлаш вазир А.Хаджибаев зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш ишлари ташкил этилиши учун;

Халқ таълими вазири Ш.Шерматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов ва Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабардор бўлиш ва ёш авлодни кексаларга нисбатан ғамхўрлик руҳида тарбиялаш ташкил этилиши учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва реконструкция қилиш ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашини ва уларнинг ҳудудлари ободонлаштирилиши, кексаларни юртимизнинг диққатга сазовор жойларига ва зибратгоҳларга мунтазам таширфлари уюштирилиши учун **шахсий масъулият юклансин.**

24. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қўнуңчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

25. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва натижади ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Мазкур Фармон ижроси 2021 йил август ва 2022 йил январь ойлариде кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 25 март	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-Ижтимоий Хизматларни Ривожлантириш Агентлиги Фаолиятини Ташкил Этиш Тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик тузилмасига қўшимча бошқарув ходимлари штат бирликларини киритиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқумат молия ташкилотлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриятлари; қўнуңчилик ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар. Бунда Агентлик марказий аппарати фаолияти республика бюджети маблағлари ҳисобидан, Агентлик ҳудудий бўлинмалари фаолияти маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 12-уй манзилидаги бино ва иншоотларининг А-блоки Агентлика оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

7. Молия вазирлиги Агентлика жами тўртта, шу жумладан, учта бириктирилган ва битта навбатчи энгли автотранспорт воситаларини харид қилиш учун маблағлар ва уларни сақлаш учун лимит ажратсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликнинг буротманомаси бўйича уни белгиланган тартибда тегишли алоқа турлари билан таъминласин.

9. **Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Б.А. Музаев)** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдиритиш чораларини кўрсин.

10. Агентлик Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой мuddатда:**

а) Агентлик тўғрисидаги низоом лойиҳасини;

б) Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларга юкланган **асосий вазифаларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини самарали ташкил этишни инобатга олган ҳолда:**

"Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғрисидаги низоом;

"Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғрисидаги низоом;

"Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низоом;

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар тўғрисидаги низоом; Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати тўғрисидаги низоом;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази тўғрисидаги низоом лойиҳаларини;

в) қўну

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Шу боис кеча мен Қонунчилик палатаси Спикери, Бош прокурор, Олий суд раиси, адлия вазирини ва вилоят раҳбарини билан маслаҳатлашдим. Ер масаласида Тошкент вилояти бўйича алоҳида қонун қабул қилишимиз. Бу қонун бошқа вилоятлар учун ҳам асос бўлади.

Дарҳақиқат, вилоятимиз халқи меҳнаткаш, ернинг тилини ҳам, қадрини ҳам яхши тушунади.

Сиз куюниб айтганингиздек, ерга бўлган эгасизлик муносабатини тубдан ўзгартиришимиз, бу борадаги коррупция ҳолатларга бутунлай барҳам беришимиз керак. Ернинг ҳар қаричида миллионлаб одамларимизнинг ризку насобиси бор, хайру баракот бор.

Халқнинг овози — бу ҳақиқатнинг овози. Сизнинг вужудингизда, қалбингизда ҳамма шундай овоз, ҳақиқат ва адолат овози жаранглаб туради.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида қатнашиб, бир гапингиздан жуда таъсирланган эдим.

Сиз халқ дардида қадимдан мавзуда сўз юрита туриб, **“Бу — менинг ичимдаги кўз ёшларим”**, деган эдингиз. Чунки миллат мардларининг кўз ёшини ҳеч ким кўрган эмас.

Сиз яна: **“Қоғозсиз гапирсам, юрагимни очиб гапирман”**, дедингиз. Мен бу сўзингизни шундай шарҳладим — Президент ўз қалб кўзгусида халқнинг қиёфасини кўради, одамлар кўнглидаги ҳақиқатларни, орзу-армонларни янада яқин ҳис қилади.

Бугун дунёнинг юксак тараққий тоған давлатлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиляпти. Нега деганда, янги Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тинчлик ва барқарорлик, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, юртимиздаги диний бағрикенглик, миллатларро ва динларро тотувлик, гендер тенглиги, ёшлар сийбати каби умуминсоний масалаларни ҳал этишда амалий ташаббуслар мамлакатга айлиб бормоқда.

Халқни ўйғотиш, қалбларга ишонч бағишлаш, миллионлаб одамларни руҳантириш, уларни ўз қадру гурури учун курашга чорлаш ва бу борада шахсий ташаббус кўрсатиш буюк тарихий шахсларнинг иродаси билан амалга ошади.



Айнан шундай шахслар янги тарих саҳифаларининг муаллифлари бўлади.

Сизнинг тимсолингизда эл-юртимиз бугун ана шундай фидойи шахсни кўрмоқда.

Сиз ёшларимиз, фарзандларимизга Ватанини, халқ ва миллатни севишни ўргатмоқдасиз. Она юртва садоқати бўлса, ишчи ўзим ўргатаман, деб ёшларга катта ишонч билдираётганингизни кўриб, ҳар сафар бир ижодкор сифатида тўлқинланиб кетаман.

Чунки бу болалар шу халқнинг фарзандлари, ўзимизнинг дилбандларимиз — уларга ишонмасак, кимга ишонамиз, уларга суянмасак, кимга суянамиз? Хурматли Президент, бу сўзларим мактов ёки муболага эмас, кунин кеча бутун дунёни забтига олган пандемия шароитида халқимизга энг катта умид ва таскинни Сиз бердингиз. Саломатлиқни, одамлар ҳаётини сақлаш, ваҳимага тушмаслик учун нимами керак бўлса, бекаму кўст амалга оширдингиз. Кечаю кундуз уйку нима, ҳоловат нима билмасдан, шундай юлғи оғир ва таҳликалий вазиятда мардона ишлаганингизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Касаллик республикамизга ҳам кириб келган биринчи кунлардаёқ Сиз халққа муножабат қилиб, **“Биз бу синовлардан кучли бўлиб, қудратли бўлиб чиқамиз”**, деганингизда, беғоналарни қўя турмайлик, афсуски, айрим сафимизда юрگانлар орасида, ижтимоий тармоқларда ва бошқа маъна чиркин манбаларда “Кўра-ми халқни”, дея истеҳзоли кулиб қўйганлар ҳам бўлган сир эмас.

Яратганга беҳисоб шукри, ҳаётнинг ўзи,

давру замоннинг ўзи кимнинг кимлигини, ким нимага қодирлигини, Сиз халқимизга кўрсатаётган йул энг тўғри йул эканини исботлади.

Инсоннинг ҳаётида суянган одами бўлса, кимдандир меҳр кўрса, унинг бахту иқболи учун жон қуйдираётганлар борлигига ишонч ҳосил қилса, бу дунёда яшагиси келади. Бугун Ўзбекистонда одамлар иштиёқ билан, орзу-хаваслар билан яшапти. Чунки Сизнинг раҳнамолигингизда давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни унутмаётгани йўқ. Ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолаётгани йўқ.

Ота-боболаримиздан мерос бўлган қадим ҳикматларда: **“Яратганга, аввало, бемору бечоранинг, муҳтожнинг, ёлғизликдан азоб чекаётган болаларнинг, кекаларнинг дуоси етиб боради”**, дейилади.

Сизнинг Меҳрибонлик уйларида кўнгли ўқисик етим болаларга, Саховат уйларида яшаётган кекаларга кўрсатаётган мадад, кўмак ва ёрдамнингизни барчамиз кўриб турибмиз.

Уруш ўчоғига айланган давлатлардан олиб келинган адашган ҳамюртларимиз — аёлларнинг, болаларнинг севинч кўз ёшларига, афв этилганларнинг миннатдорлик изҳорларига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Улғ аждодларимиз таъкидлаганларидек, **“Қўлдан қўлга ўтган бойликнинг эгаси тез-тез ўзғариб туради. Дилдан дилга ўтган бойлик эса мудом яшаб қолади”**.

Дилдан дилга ўтган бойлик, шубҳасиз, бу — илм. **“Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан аввалгилардан ўрнал ол”**, дейишади. Шунинг учун ҳам Сиз келажакимиз эгаси бўлган ёшларнинг таълим-тарбиясига чекиз меҳр ва қўнчаллик билан қарап-сиз.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида яна бир ҳақиқатни айтган эдингиз: **“Сен маъна улуганингга душман уйғок бўлади”**.

Бу ҳикмат нақадар тўғрилигини бугунги мафқуравий, ғовий жараёнлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ёшларимиз, азиз фарзандларимизнинг онгу тафаккурини бузиш, бизнинг асрий қадриятларимизга, ўзбекна ахлоқ-одобга ёт гоьлар билан захарлаш учун интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда олиб бо-

рилаётган ғаразли тарғибот-ташвиқотлар, афсуски, кучайиб бормоқда.

Вилотимиз ҳокимлиги биносида яқинда Сизнинг иштирокингизда ўтказилган навбатдан ташқари сессияда айтган бир фикрингиз ҳамон қалбимни саволларга қўмади.

“Томғача пахта экдик, лекин комсамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдардик. 100 йил эғилиб пахта тердик, лекин уч йилдан бери 6,5 миллион киши пахта теришдан қутулди. Бунга катта қийинчилик ва машаққат билан эришилди, бу қўнчилик ўйлагандай осон бўлгани бўлмайди. Биз кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича 50, галла бўйича 100 центнердан ҳосил олмасак, Тошкент вилоятида қўнчилар натижага эриша олмай-миз”, дедингиз.

Ҳа, буларнинг барчаси кунин кеча ушалмас бўлиб туоладиган армонларимиз эмасми? Ортада қолган тўрт йил ичида халқимизнинг ана шу орзу-ниятлари ушалди-ку! Наҳотки, буларни сезмаётган, ҳис қилмаётган бўлсак?

Афсуски, айрим ижтимоий тармоқларда, очиклик ва ошқоралик экан деб, фақат тирноқ остидан кир излаш, бетгақонларлик, андишасизлик, сохта шухратга интилиш, мухтасар айтганда, популизмга муккасидан кетиш ҳоллари барчамизни безовта қилиши, ташвишга солиши керак.

Мамлакатимизда ўқ бераётган ўзғаришларни холисона эътироф этиш, улардан қувониб, умуман, яхшиликни, ёруғликни кўра билиш, ислохотларни мохиятини англаб этиш, уларнинг натижаларини тан олиш учун ҳам одамда виждон, мардик ва инсоф бўлиши зарур.

Ўз юртини, ўз мамлакатини фақат қора бўёқларга чапаш орқали ёлғон обрў орттириш на одамгарчилик, на ватанпарварлик, на диёнат мезонларига тўғри келади. Бу бошдан-оёқ маънавий таназзул белгисидир.

Албатта, ҳайр бот экан, муаммо бор. Муаммо ва камчилик бор экан, уларни бартараф этиш учун доимо ислохотларга эҳтиёж ҳам бор. Бинобарин, жамият ҳаётида ҳақ сўзга, танқидий қарашга бўлган зарурат табиийдир.

Бу гоьт муҳим фикрни Сиз ўз чиқишларингизда доимо таъкидлаб келмоқдасиз,

барча раҳбарларни мана шундай муҳитда яшаш ва ишлашга давъат этмоқдасиз.

Аммо холисона, дўстона танқид танқид-бозликка, муаммони кўрсатиш шахсини таҳқирлашга, манфаатлар ўйинига айланиб кетмаслиги шарт.

Бугун негадир шароит ва имкониятлар кенгайгани сари баъзи одамларда боқимандалик кайфияти кучайиб бораётгандек, назаримда. Аксарият кишилар дунёқарашда эгоизм — худбинлик кучайиб, ижтимоий ялқовлик “синдром”и кўзга ташланмоқда.

Чиноз туманида бўлганингизда қўнчаллик билан айтганингиздек, нега одамларимиз ўз томорқаларига бепарво қаради? Нега лоқал ўзи ашайдиган ҳовлисининг деворини оқлаб, кўчасини супуриб, чор-атрофини озода тутмайди?

Биз азалдан тозалик, озодалликка орномус даражасида қараган, **“Поклик — иймондандир”** деб биладиган халқимизку, ахир?!

Одамлар онгини ўзгартириш, уларнинг дунёқараш, маданий савиясини кўтариш айни куннинг ҳақиқатан ҳам энг муҳим талабидир.

Биз — вилоят зиёлилари, фаоллар, нурунийлар, мутасадди ва кайвонлар, кенг жамоатчилик бу борада томошабон бўлиб турсак, ким бу эзгу ниятларимизни амалга оширади?

Буюк файласуф Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган ва таълимга нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини исботлаб берган.

Демак, таълим-тарбияга, маънавий озуга ёшлар кўпроқ муҳтож бўлади. Аслида бу табиий жараён. Ота-она ўз фарзандининг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини, оилавий аҳваллар, миллий қадриятларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш учун боласига тарбия беришга Аллоҳ олдида ҳам, эл-юрт олдида ҳам бурчлидир.

Биз мана шу олтин қондаларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Хурматли Президент, Сиз маданият ва маънавият, хусусан, адабиётимиз таракқиётига ҳам бемисл ғамхўрлик қилаётганингизни биз — қалам аҳли миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Бу ҳақиқатни бутун мамлакатимизда маданий ва адабий жараёнларни кузатиб бораётган инсонлар мендан ҳам чиройлироқ қалб ифодаб беришларига ишончим комил.

Пойтахти азимда қурилган Адиблар хийбона, у ерда қад рўстлаган Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Ижодкорлар уйи кечанига етиб бўлмас озулар эди!

Сизнинг ташаббусингиз билан аввал Зомин туманида, мана энди Паркент туманида шоир-адиблар учун аjoyиб маскан қуриб битказилди. Бундай ғўзал ва замонавий ижод боғларида, насиб этса, хали кўнлаб бадийи етуқ асарлар яратилади.

Мен хали турли вилоятларда барпо этилган, улуг ёзувчиларимиз номи билан аталган ижод мактаблари, янги театр ва музейлар, маданият ва санъат мактаблари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ҳақида сўз юритмадим. Чунки буларнинг барчасини фақат санаб чиқиш учун ҳам жуда кўп вақт керак бўлади.

Бевосита Тошкент вилоятидаги адабий муҳит ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Яқинда вилотимизги ёш ижодкорларнинг “Нурафшон илҳомлар” деб номланган альбоманики чоп этилди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайтадан чирой очган Бўка туманининг ёш қаламкашлари учун алоҳида альманах нашр этилди. Яна бир неча ёшларимизнинг “Биринчи китобим” туркуми остида илк тўпламларини тақдим этиш арафасида турибмиз.

Мухтасар айтганда, ёшларда китобга, ижодга ўйғонган хавасни алағалатиш, шу орқали Ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшишдек олижаноб ҳаракатларимиз кўнчиб бормоқда.

Мухтарам Президент! Сиз давлат раҳбари сифатида фаолиятингизни бошлаган дастлабки кунларда **“Меҳнаткаш, оққўнғил, бағрикенг халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”**, деган ўта муҳим бир фикрни, аниқроғи, ҳаётий давлатни илгари сурган эдингиз.

Бугун мана шу эзгу интилишлар аста-секин рўёбга чиқмоқда.

Эл-юрт дардига дармон бўлишдек машаққатли ва шарофли вазифани адо этишда Сизга бир ижодкор сифатида мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва доимий ютуқлар тилаймэн.

Хурмат билан

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛЯПТИ

Судьялар мустақиллиги ва мажбуриятлари — диққат марказда

Олий суд раиси К. Комиллов “Судлар тўғрисида”ги қонун лоийҳаси юзасидан чиқишида ушбу ҳужжат Президентимизнинг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадиди ишлаб чиқилганини айтди.

Қайд этилишича, 1993 йилда қабул қилинган, 2000 йилда эса янги тахрирда қабул қилинган амалдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда суд тизимидаги чўқур ўзгаришлар тўлиқ ақд этирилмаган ва замон талабларига жавоб бермайд.

Янги қонун лоийҳасида, асосан, суд тизимидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларга, одил судловнинг асосий тамойилларини қайта кўриб чиқишга, суд ҳужжатларини қайта қўриш тартибини илғор ҳорижий тажриба асосида такомиллаштиришга, судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги қафолатларини қўчайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, унда судьяларнинг ахборот-коммуникация технологиялари тизимидадан фойдаланиш бораидаги ҳуқуқлари кенгайтирилиши назарда тутилмаётгани баробарида уларнинг мажбуриятлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси талабларига мувофиқлаштирилган.

Мажлисда қонун лоийҳаси қабул қилиниши суд тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг судга бўлган ишонч янада мустаҳкамлашига хизмат қилиши таъкидланди.

Депутатлар суд ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг зарурлигини ҳисобга олиб, қонун лоийҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Шунингдек, иккинчи ўқишга тақлифлар шакллантирилиши маълум қилинди.

Лойиҳада ҳаволаки нормалардан воз кечилди

Депутатлар “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лоийҳасини иккинчи ўқишда модда-мадда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, лойиҳада амалдаги қонунлардаги мавжуд тушунчаларни, қуролга алоқадор нормаларни “Қурол тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш, қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда назоратни амалга ошириш вазифаларини Миллий гвардиядан ички ишлар органларига ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ҳаволаки нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар “михланди”.

Лойиҳа билан баъзи қонунларга уларнинг мазмунига таъсир қилмайдиган тақ-

ририй ўзгаришлар киритилди. Яъни “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддаси ҳамда махсус органлар ва ҳарбий тузилмаларни қуролантириш учун мўлжалланган жанговар қуролининг айрим турларига махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар ҳам эғалик қилиши мумкинлиги амалиётда жиддий муаммоларни келтириб чиқётганлиги сабабли, “Қурол тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига жанговар ва хизмат қуролининг фарқлашни белгилашга доир ўзгаришларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши қурол эғаларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари тўлиқ тарзда рўёбга чиқарилишига, уларнинг қурол муомаласи соҳасидаги қўриқ тартиб-қоидаларга риоя этилишидаги масъулиятни оширилишига, шунингдек, уларни бузганилиг учун жавобгарлиги аниқ белгилинишига хизмат қилади. Қолаверса, қурол муомаласи соҳасидаги қонунчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари яратилишига, соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш механизми такомиллаштирилишига зарур шарт-шароит яратилади.

Мажлисда қонун лоийҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Автотранспорт эғаларига яна бир қўлайлик берилмоқда

“Транспорт воситалари эғаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилишга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лоийҳаси иккинчи ўқишда қизгин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда қуйи палатадаги фракциялар ва қўмиталарда қизгин муҳокамалар уюштирилди ҳамда билдирилган тақлифлар ички гуруҳ ва соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиб, асосилари инобатга олинди. Айрим нормаларга қонундаги мантқиқий давомийликни сақлаш мақсадига тахририй ўзгаришлар киритилди. Шу билан бирга, бир неча ҳаволаки ва бир-бирини тақдорловчи нормалар чиқариб ташланди, айрим моддалар тўлдирилди.

Чўноччи, қонун лоийҳасида тан жароҳатлари етмаган ҳамда иккитадан ортиқ бўлмаган транспорт воситалари иштирокида йул-транспорт ҳодисаси юз берганда ҳайдовчилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокисиз мустақил равишда билдиришомна тузиш орқали расмийлаштириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, бу нафақат йул-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришга кетадиган вақтни тежайди, балки йулларда тирбандлик пайдо бўлмаслигига ва бошқа ҳайдовчиларга ҳалақит қилмасликка ёрдам беради.

Яна бир муҳим жиҳат — сурғурта қилинган транспорт воситаси ҳайдовчиси уч ин киши ичида сурғурталовчига йул-транспорт ҳодисалари ҳақидаги хабарномани тақдим этиши керак. Шу боис “Транспорт воситалари эғалари-

нинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига йул-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарномани тузиш тартиби киритилмоқда.

Қолаверса, ушбу Қонуннинг 20¹-моддасига Қонунчилик палатаси фракциялари депутатлари томонидан берилган тақлифларга асосан тахририй ўзгариш ва тўлдиришлар киритилди.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқарилган 12¹-модданинг учинчи қисмидаги тартиблар ушбу моддага сингдирилди. Бунда норма соддалаштирилди, унда хабарномани тузиш ва рад этиш асослари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, агарда сурғурталовчи ҳайдовчилардан хабарномани қабул қилганидан сўнг, уни тузиш асослари бузилганлигини аниқлаб, ҳақиқий эмас, деб топганда ёки йул-транспорт ҳодисаси айбдор тарафи ўзгариб қолганида айбдорнинг айбини яққол намоён қилади қилган видеоасмалар, экспертиза хулосалари мавжуд бўлгандагина уни шу куннинг ўзида ички ишлар органларига қайтариш мумкинлиги назарда тутиляпти.

Бу билан сурғурта компаниялари асосис равишда ҳайдовчининг айбини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган ҳолда айбдор тараф ўзгарганлигини вақ қилиб, сурғурта товонини тўлашдан бош тортиш ёки муддатларни суъний равишда қўзиш мақсадига ички ишларга юбрий таққиланмоқда.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лоийҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Фавқуллода ҳолатларга доир муносабатлар тартибга солинади

“Фавқуллода ҳолат тўғрисида”ги қонун лоийҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишда дастлаб уни қабул қилиш заруратига тўхталинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари билан бир қаторда, Ўзбекистонда ҳам коронавирус пандемияси — COVID-19 кенг тарқалиб, ўзиш инфекция билан зарарланганлар сони кун сайин ортиб бораётёр. Бу эса фавқуллода чора-тадбирлар қўришини тақозо этади. Шу билан бирга, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқилган қонун лоийҳасида фавқуллода ҳолатни таъкид этишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар аксини топган.

Жумладан, фавқуллода ҳолатни жорий қилиш тартиби, ушбу жараёнда қўлланиладиган чоралар ва чеклашлар, фавқуллода ҳолат амал қиладиган давр учун жорий этиладиган махсус давлат бошқаруви органлари, фавқуллода ваэият шароитида жисмоний ва юридик, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари қафолатлари ҳамда судларнинг фаолиятини тартибга солуви ва бошқа махсус қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Депутатлар ушбу қонун лоийҳаси жуда муҳимлигини, пандемия даврида

бу борадаги ҳуқуқий асосга эҳтиёж сезилганини қайд этилди.

Халқ вакилларининг фикрича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат бошқаруви тизими орқали самарали ва тезкор фавқуллода чораларни қўллашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга имкон беради.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лоийҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Аҳоли бўш пул маблағларини қаерда сақлагани маъқул?

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лоийҳаси юзасидан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори А. Назиров маъруза қилди.

